

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба	91
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ф.Орипжонова А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини	101
В.Аҳмедова Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир	109
Г.Муҳаммаджонова Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117

ТИЛШУНОСЛИК

Н.Муродова Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов Антропонимлар дискурс релеванти сифатида	130
Н.Т.Махмудова Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати	133

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Х.Максудов Элнинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев Аскар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили	145
С.Усмонова Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари	152
О.Хасанова Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160

ҚОНУН ВА ИЖРО

А.Ўринов “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163
--	-----

ТЕМУРБЕК КАЗБЕКОВ – ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН АНДИЖОНЛИК ТАЛАБА
ТЕМУРБЕК КАЗБЕКОВ – СТУДЕНТ-АНДИЖАНЕЦ, ОБУЧАВШИЙСЯ В ГЕРМАНИИ
TEMURBEK KAZBEKOV – AN ANDIJAN STUDENT STUDIED IN GERMANY

А.Йўлдашев

Аннотация

Мақолада XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ва Бухоро Республикаларининг саъй-ҳаракати билан иқтидорли ёшларни хорижга юбориш масаласи ҳақида фикр юритилган. Хусусан, бу даврда Германиянинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқишга юборилган ёшлар орасида Фарғона водийсидан бўлган андижонлик Темурбек Казбековнинг шахсияти ҳамда фаолияти, унинг Германияда таълим олиш даври ёритилган.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос обучения одаренной молодежи Туркестана и Бухарской Республики Республики за рубежом в 20-е годы XX века. В частности, освещена личность и деятельность, а также период обучения Темурбека Казбекова, в числе других представителей молодежи Ферганской долины отправленный на учебу в Германию с целью обучения их в высших и средних учебных заведениях этой страны.

Annotation

The article deals with the issue of receiving education of talented youth of Turkestan and Bukhara abroad in the 20s of the twentieth century. In particular, the personality and activity, as well as the educational process of TemurbekKazbekov, who was sent from Germany to study in higher and secondary educational institutions from among the youth of the Fergana Valley, was consecrated.

Таянч сўз ва иборалар: “Умид”, “Эл-юрт умиди”, жамғарма, “Кўмак” уюшмаси, Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши, Олимжон Идрисий, Хайринисо Исмоилова, Георгий Мейерсон, Берлин, уюшма, комиссариат.

Ключевые слова и выражения: “Умид”, “Эл-юрт умиди”, фонд, объединение “Кумак”, Центральный Совет Народного хозяйства, Алимджан Идриси, Хайриниса Исмаилова, Георгий Мейерсон, Берлин, объединение, комиссариат.

Keywords and expressions: “Umid”, “El-yurt umidi”, fund, “Kumak” Society, Central Council of National Economy, Olimjon Idrysiy, Khairiniso Ismoilova, George Meyerson, Berlin, society, authorized .

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти ҳамда келажаги учун етук малакали кадрлар асосий етакчи куч саналади. Шу сабабли асосий эътибор ёшлар ва уларнинг таълим-тарбияси масаласига қаратилади. Ёшларнинг ўз касбининг етук эгалари бўлишлари учун ҳар бир давлат ўз имкониятлари ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзаро алоқалар, илмий-назарий ва амалий билимлар, тажрибалар алмашинуви орқали амалга оширади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни хорижга ўқишга юбориш ва уларни кўллаб-қувватлаш бўйича республикада ижобий ишлар йўлга қўйилди. 1997 йилда “Умид” жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма орқали кўплаб ёшлар хорижий мамлакатларнинг бир қатор нуфузли олийгоҳларида таълим олдилар [1]. 2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилиб, кўплаб ёшларни хорижда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва

докторантура дастурлари асосида ўқишлари учун имконият яратиб берилмоқда [2].

Тарихга назар ташланса, ўзбек халқининг малакали ёш мутахассисларни хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ўқитиш борасидаги тарихий тажрибаси узоқ даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Аждодларимизнинг буюк мутафаккир, қомусий олим бўлиб етишиб, кўплаб мамлакатлар тан олган алломалар даражасида эъзозлашлари ҳам бежиз эмас. Узоқ даврлардан бошлаб улар ўз илмини ошириш йўлида Арабистон, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олганлар [3]. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкасида Россия империясининг босқини ва мутаассиблик натижасида мамлакат тараққиётида турғунлик вужудга келди. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви, маънавий қолоқлик ёшларга бўлган эътиборнинг сустлиги, янгиликка интилишга безътиборлик кўплаб мамлакатлардан ортда қолишга сабабчи бўлди.

XX аср бошларида Туркистон минтақаси тараққиётини ўйловчи илғор фикрловчи

А.Йўлдашев – ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти.

шахслар мавжуд эди. Қўшни мамлакатлардаги сиёсий ва маданий ўзгаришлар тўлқини Туркистон ўлкасини ҳам четлаб ўтмади. Ўлкада жаҳидчилик ғоялари вужудга келиб, илғор зиёлилар ташаббуси билан кўплаб мамлакат ривожини йўлида маориф, матбуот ва маданиятнинг бошқа соҳалари замонавий кўринишда ривожланиб борди. Бир томонда диний хурофотлар, иккинчи томондан мустамлака зулмининг оғир шароити кейинчалик совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги мураккабликларга қарамай, бу ҳаракатлар тўхтаб қолмади.

Маҳаллий зиёлилар ва илмга ҳайрихоҳ кишилар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон тараққиёти учун хориждаги замонавий олий таълимни олиш мақсадида “Кўмак” номли жамият туздилар [4]. Уюшманинг саъй-ҳаракати билан хорижда маҳаллий ёшларни ўқитиш ва замонавий илм-фан соҳалари учун халқ орасида кўмак йиғдилар, турли ташвиқот ишлари олиб борилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида Туркистоннинг кўплаб ёшлари Озарбайжон, Россия ва Германиянинг марказий шаҳарларидаги замонавий олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларига бориб таълим олдилар. Бу жараёнда Маориф халқ комиссарлиги қошидаги “Ўзбек билим кенгаши” фаол иштирок этди. Катта мақсадларни кўзлаб бошланган ҳаракатнинг натижасида маҳаллий зиёлилар ҳукумат органлари билан келишув йўлини тутишди. 1922-1923 ўқув йилида Германиянинг олий таълим муассасаларига юбориш учун Туркистондан 11 кишилик иқтидорли ёшлар рўйхати тузилди. Бу рўйхатга 5 нафар ўзбек, 4 нафар қozoқ ва 2 нафар туркман миллатига мансуб талабалар киритилган эди [5].

Рўйхатда номлари қайд этилган ёшлар орасида фарғоналик талаба Темурбек Казбеков ҳам бор эди. У ҳам кўплаб хорижда таълим олиш истагидаги ёшлар каби Халқ Маориф комиссарлигига ариза билан мурожаат қилган эди. Унинг аризаси қабул қилиниб, Германияга кетувчи 11 кишилик рўйхатга киритилди. Талабалар таъминоти учун тайёрланган рўйхатдаги маълумотга кўра, Темурбек Казбеков – 22 ёшда, маълумоти – ўрта, миллати – қирғиз, Андижондан, мутахассислиги қишлоқ хўжалиги йўналишида эканлиги кўрсатилган [6]. Туркистон Республикаси томонидан хорижга кетаётган ёшларга молиявий кўмак бериш мақсадида соҳа йўналишига қараб, улар ҳукумат томонидан турли муассасаларга бириктирилди. Темурбек Казбековнинг моддий таъминоти

Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) томонидан амалга оширилди. Шунинг учун ЦСНХ нинг 1922 йил 27 августдаги 34-сонли қарорига мувофиқ унга гувоҳнома берилади. Бу гувоҳноманинг нусхаси Бухоро Халқ Совет Республикасининг Германиядаги маориф вакили Олимжон Идрисий томонидан тасдиқланди [7].

1922 йил Т.Казбеков Германияга боргач, қисқа муддатли тил ўрганиш курсида ўқийди. 1923 йил 19 июлда у Берлин Қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг талабаси сифатида ўқишга қабул қилинади. Шу куни Темурбек Казбеков олийгоҳнинг 1897 йил 20 январдаги 23-сонли қарорига асосан тасдиқланган талабалик қасамёдини қабул қилди [8].

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг совет даврига оид фондларидан бирида сақланаётган Темурбек Казбековнинг 1924 йил 2 июндаги Берлиндан Маориф Халқ комиссарлигига ёзган маълумотига кўра, у 1922 йил сентябрь ойида Туркистон Халқ Комиссарлар Совети ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тавсиясига кўра, Туркистон халқ хўжалиги томонидан ажратилган стипендия асосида Германияга таълим олиш учун келади. Берлинга келганининг дастлабки кунларидан немис тилини ўрганиш учун Берлин университети қошидаги тил ўргатиш курсларига қатнайди. Шундан сўнг Берлин олий Академиясига қарашли немис институтига кириш учун ариза топширди. Унинг аризаси қабул қилиниб, 1923 йилда ёзги семестр охирида имтҳонларсиз ўқишга қабул қилинади [9].

Темурбек Казбеков “Мен Туркистон Давлат Университетининг ишчи факультетини битиргандан сўнг олган сертификатга кўра, олдиндан топширилиши лозим бўлган қабул синовларисиз ўқишга қабул қилинганимни алоҳида таъкидлашни лозим деб ҳисоблайман”, деб ёзади [9].

Берлин Қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқиш одатий ва самарали тарзда амалга оширилган. У ўқиш жараёни ва ўтилган фанлар масаласига ҳам тўхталиб, учинчи семестрда назарий жиҳатдан ботаника, зоология, ҳайвон физиологияси, тупроқшунослик, кимё, физика ва аграр сиёсат каби фанлар ўтилганлиги ҳақида маълумот беради [9]. Семестр якунида ўтилган барча фанлар бўйича имтҳонлар ташкил этилган. Кейинги семестрдан эса қишлоқ хўжалигининг маълум соҳаларига бағишланган махсус фанлар ва мутахассисликка оид фанлар ўқитилган. Т.Казбеков университетда пахтачилик ва

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

далада пахтани етиштириш ихтисослиги бўйича таълим олган. Институтда назарий билимлар билан бирга курс якунида талабалар учун амалий билимларни эгаллаш ва тажриба орттириш учун ҳатто Америка ёки Мисрга бориш имкониятлари ҳам берилган [10]. Бундан кўзланган мақсад пахтанинг серҳосил тури ҳисобланган Америка ёки Миср навларини етиштириш сирларини, амалиётини ўрганиш эди.

Темурбек Казбеков Берлиндаги Туркистон талабаларининг таълим ва яшаш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкил этилган жамиятнинг фаолларидан эди. Германияда ўқиган талабалардан бири Саттор Жаббор берган маълумотга кўра, бу жамиятга Абдуваҳоб Муродий бошчилик қилган. Германия ҳукуматининг расмий мақомлари тарафидан маъқулланган бу жамият Европада туркистонликлар ташкил этган илк расмий ташкилот сифатида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Ушбу жамиятни қуришдан мақсад туркистонлик талабаларни бир ташкилот атрофида бирлаштириш ва Европа илм-фанини Туркистонга танитишга, Туркистоннинг ижтимоий ҳаётини, саноатини замонавий илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янгилашга хизмат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, жамиятнинг яна бир вазифаси Туркистондан Европага келадиган талабаларни, қандай йўл билан келишидан қатъий назар, доим қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш эканлиги ҳам таъкидланган [11; 230 б.]. Шунингдек, Казбеков стипендия комиссиясининг раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Темурбек Казбеков Германияда талабалик даврида Туркистондан ўқиш учун борган тошкентлик татар қизи Хайринисо Исмоиловага уйланади [12]. Хайринисо Исмоилова Тошкентда тиббиёт курсини тамомлаб, олий таҳсил олиш учун Германияга бориш истагида “Кўмак” уюшмасига ариза топширади. Х. Исмоилованинг “Кўмак” уюшмасига хорижда таълим олиш учун тўлдирган сўров қоғозида ижтимоий ҳолати бўйича оддий деҳқон оиласидан чиққанлиги қайд этилган. У Германияга кетаётган вақтда 17 ёшли қиз эди [13]. Хайринисо Берлин

университети тиббиёт факультетига ўқишга киради.

1926 йилда Темурбек Казбеков Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўқишга лоқайдсизлик билан қараганликда айбланиб, ҳукумат томонидан юборилаётган стипендиядан маҳрум этилади. Унинг бу ҳолатга тушишида Россиядаги давлат тўнтарилиши йилларида Германияга қочган империя тузуми тарафдорлари билан алоқа қилиш ва совет ҳукуматига зид турли ғоялар билан талабаларнинг озиқланиши мумкин, деган фикрга борган совет давлати раҳбар органлари 1923 йилдан бошлаб Туркистон талабаларини орқаларига қайтариш чораларини кўра бошлайдилар. Талабаларнинг аҳволи, ғоявий-сиёсий тарбиясини тафтиш қилиш мақсади билан бир неча бор Германияга борадилар. Бухоро Халқ Маорифи нозирлиги номидан 1924 йилнинг июль-август ойларида, Ўзбекистон ҳукумати номидан Москва буйруғи билан Георгий Мейерсон⁸нинг 1925 йилнинг июль ойида Германияга боришида ҳам ана шу мақсад кўзланган эди.

У томонидан 1925 йил июлда ўтказилган йиғилишда Германияда ўқиётган ёшларнинг орқаларига қайтиш масаласини кўтариллиши талабалар орасида норозиликка сабаб бўлади. Берлин университети фалсафа факультети талабаси Аҳмад Шукрий норозилик намоиши сифатида осмонга отган ўқиш натижасида Г.Мейерсон Москвага қайтиб, хорижда ўқиётган талабаларнинг зид ғоялар таъсирида советларга қарши руҳда тарбия топаётганлиги ҳақида сохта чақувномалар ёзади [14; 19 б.]. Хорижда ўқиётган талабаларни ортга қайтариш ва ички Россия таълим муассасаларида ўқитиш ҳаракатлари натижасида турли иғволар билан бўлса-да, уларнинг маълум қисмини ортга қайтаришга муваффақ бўлдилар. Хусусан, 1925 йил 12 ноябрда Мейерсон иши оқибатида Германиядаги совет элчихонаси буйруғи билан бухоролик талабаларнинг бир қисми Кёльндан Москвага жўнатилади. Темурбек Казбековнинг турмуш ўртоғи Хайринисо Исмоиловани эса совет ҳукуматига зид ғоялар тарафдори, ўқишга бефарқлик билан қараганлиги таъкидланади. У Аҳмад Заки Валидий қарашлари тарафдори, шунингдек, Валидийнинг Берлиндан Туркияга кузатиш

⁸ Мейерсон Илья Григорьевич – 1897 йилда туғилган. Петербургдаги қишлоқ хўжалиги гидротехника университетини тамомлаган. Туркистон коммунистик партияси Сирдарё вилояти қўмитаси ижрокоми бюроси аъзоси. Урта Осиё коммунистик университети ректори(1924).

(Тарихнинг номъалум саҳифалари. Илмий мақолалар, ҳужжатлар ва материаллар, хотиралар. 2-китоб. –Тошкент: 2010. –Б.117.)

маросимида иштирок этган. Аҳмад Шукрийнинг шерикларидан бири сифатида кўрсатилади [15; 140 б.]. Ўша йиғилишда иштирок этган Т.Казбековга оид сохта маълумотлар тўпланган бўлса керакки, бунинг натижасида у ҳукумат томонидан оладиган стипендиядан маҳрум қилинган. 1927 йилда ёзги таътилни Ўзбекистонда ўтказиш учун келган бир гуруҳ талабаларнинг ортларига қайтиб ўқишни давом эттиришга рухсат берилмади.

Шундай бир шароитда таъминотсиз қолган Темурбек Казбеков ўқишини давом эттириш ва стипендия таъминотини тиклаш учун Ўзбекистон ҳукуматининг ишончини қайта қозонишга эришади. У 1929 йилгача Германияда таълим олиб, олий маълумотга эга диплом билан Ўзбекистонга қайтади.

Казбеков Ўзбекистонга қайтгач, тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш ва ушбу соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари билан шуғулланди. Аммо совет ҳокимиятида бу даврда авж олиб бораётган қатағон сиёсати хорижда таълим олган талабаларнинг кейинги фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

У ҳақда турли сохта маълумотлар тўпланди. Т.Казбековни 1937 йил 2 сентябрда ҳибсга олишди. У қамоққа олинган вақтда Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги ўқув ишлаб чиқариш муассасасида директор ўринбосари лавозимида ишлар эди. Унга немис

жосуси, аксилинқилобий гуруҳ аъзоси каби сохта айбловлар қўйилади ва 1938 йил 8 октябрда отувга ҳукм қилинади. Сталин вафотидан кейин 1956 йилдан бошланган шахсга сиғиниш сиёсатининг фаш этилиши натижасида Темурбек Казбековнинг иши қайта кўриб чиқилади ва 1958 йил 27 мартдаги СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi қарори билан оқланади [16].

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20 йилларида хорижда таълим олиш мақсади билан бирлашган ёшлар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришдилар. Улар ривожланган мамлакатлар илм-фанидан хабардор бўлиб, замонавий малакали кадрлар сифатида ўз мамлакатларини ривожлантириш мақсадида эгаллаган соҳалари бўйича фаолият олиб бордилар. Лекин, совет ҳукуматининг қатағон сиёсати уларнинг олдига қўйган буюк мақсадларини амалга оширишга йўл қўймади. Темурбек Казбеков ҳам ана шундай хорижда ўқиган ёшлар қаторида оғир азоблар билан қатағон қурбони бўлди. Темурбек Казбеков Германияга таълим олиш учун юборилган талабалар орасида тўқимачилик саноати бўйича таҳсил олган кам сонли малакали туркистонликлардан эди. Агар у қатағон қурбони бўлмаганида, илк олий маълумотли тўқимачилик саноати мутахассиси сифатида ўзбек тўқимачилик соҳасини юқори даражага олиб чиқиши шубҳасиз эди.

Адабиётлар:

1. Қисқача тарихий экскурс // <http://eyuf.uz/uz/wmenu.php?view=32>
2. <http://eyuf.uz/>
3. Абдулҳамид Сулаймон. Истиқбол учун кураш // Қизил байроқ. 1922 йил 2 сентябрь.
4. Салимхон. "Қўмак" нинг жавоби. // Туркистон. 1923 йил, 29 июль., ЎзР МДА. 34- фонд, 1-рўйхат, 1380-иш, 391-варақ.
5. ЎзР МДА. 34- фонд, 1-рўйхат, 1380-иш, 394-варақ
6. ЎзР МДА Р-34- фонд, 1-рўйхат, 1380-иш, 332-варақ
7. ЎзР МДА Р-17- фонд, 1-рўйхат, 1090- иш, 144-варақ.
8. ЎзР МДА Р-17- фонд, 1-рўйхат, 1090- иш, 146-варақ.
9. ЎзР МДА Р-34- фонд, 1-рўйхат, 529-иш, 201-варақ.
10. ЎзР МДА, Р-34- фонд, 1-рўйхат, 529-иш, 201-варақнинг орқаси.
11. Андижон Аҳад. Туркистон учун кураш. Биринчи жилд: илмий-оммабоп. –Т.: Тафаккур, 2017.
12. Германиядаги ўзбек шогирдлари // "Фарғона" газетаси, 1926 йил 25 март.
13. ЎзР МДА Р-34- фонд, 1-рўйхат, 1380-иш, 374-варақ
14. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т.: Академ-хизмат, 2006.
15. Турдиев Ш. Германияга ўқишга борган талабалар ва уларнинг кейинги тақдири. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар, ҳужжатлар ва материаллар, хотиралар. 2-китоб. –Т., 2010.
16. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви. -КК-11131-иш. 1,3,5-варақлар.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).